



ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 29 апрель ● сешанба ● № 19 (578) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru



Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётган адлия органлари томонидан

2007 йилда 43 мингдан ортиқ тадбир ўтказилди, 370 га яқин

ўқув ва илмий-юридик китоб, услубий қўлланмалар тайёрланди.

киришилди. Шундай қилиб, "Ўзтемирийўлловчи" ОАЖ буюртмаси асосида, "Ўзтемирийўлмаштаъмир" унитар корхонасига қарашли Тошкент қуюв-механика заводи шўба корхонаси бош пудратчилигида ҳамда Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи ОАЖ, "Тоштемирийўлловчи" институти, Фарғона ва Тошкент минтақавий темир йўл узели сингари "Ўзбекистон темир йўллари" ДАКга қарашли ташкилотлар иштирокида 2005 йил охири, 2006 йил бошларида ишлар якунланди.

тарзда асосий бино қурилиши режалаштирилди ва 1967-71 йилларда мазкур лойиҳа амалга оширилди. Шунингдек, таъкидлаш лозимки, шаҳарнинг бош дарвозаларидан бўлмиш вокзал биноси неча бор қайта лойиҳаланиб, неча бор янги қўрилишида қад ростлаган бўлмасин, республика туб аҳолисининг миллий менталитетига ҳам тарзда тугал ечимдаги, салобатли ва мағрурона мажмуа шакл-шамойилини топа олмади. Ва бу камчилик мустақиллик давридагина ўз ечимини топди.

Гап шундаки, мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан 700 километрга яқин масофадаги Навоий — Учқудуқ — Нукус йўналишида, 223 километр узунликдаги Тошгузар — Бойсун — Қумқўрган йўналиши бўйлаб янги темир йўл линиялари барпо этиш, Амуударэ узра темир йўл ва автомобиль йўлини ўзида мужассам этган катта кўприк қуриш билан бирга Тошкент Марказий темир йўл вокзалини ҳамда унинг ёнида жойлашган Тошкент минтақавий темир йўл узели ва "Локомотив" меҳмонхонасини капитал реконструкция қилишга

Алимқул СУЛТОНОВ

● Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан ТОШКЕНТ ВОКЗАЛИ

бугунги кунда пойтахтнинг асосий дарвозасига айланган



Авалло шунини айтиш лозимки, темир йўл вокзалининг тарихи бевосита темир йўл транспорти тарихи билан боғлиқ. Негаки, Қуёш бўлмаса ҳаёт бўлмаганидек, темир йўл тармоғи вужудга келмаганда эди, вокзалларга ҳам эҳтиёж туғилмаган бўларди. Аммо ҳаёт ҳамиша ривожланишдан иборат.

йўл 1825 йили Англияда қурилганлигини, Ўзбекистонда эса 1886-88 йилларда Фороб станциясидан Самарқандгача темир йўл ётқизилганлигини ҳисобга олсак, вокзаллар тарихи ҳам ўша замонларга бориб тақалишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Маълумотларда қайд этилишича, Тошкент шаҳрида биринчи темир йўл вокзали 1901 йилда барпо этилган. Аммо 1902 йилда юз берган табиий офат — zilзила оқибатида вокзал биносига жиддий шикаст етди. Натихада 1905 йили архитектор Г.Сварчевский лойиҳаси асосида яна янги вокзал биноси қад ростлайди. Унинг фасад қисми учга бўлинган бўлиб, баланд марказий қисми гумбаз билан

ёпилган эди. Ярим доира шаклидаги ромлар, айниқса, кираверишга ўрнатилган катта соат биного ўзига хос манзара бағишларди.

Бу иншоот 50 йилдан ортиқ вақт мобайнида халқ хизматида бўлди. Сўнг 1957 йили В.Бирюков, Л.Травянко, В.Русанов сингари архитекторлар лойиҳаси асосида янги вокзал биноси қурилади. У ойна ва бетондан иборат бўлиб, миллий нақошлиқнинг хаворанг безаклари билан безатилган. Платформалар ер ости туннеллари билан туташтирилган.

1966 йилда "Боштранслоиҳа" институти томонидан вокзалнинг янги фасад қисми учга бўлинган бўлиб, баланд марказий қисми гумбаз билан

Чунончи, XVIII асрнинг охири, XIX асрнинг бошларида саноат ривожини, яъни темир рудаси, кўмир қазиб олиш, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг ўсиши юк айланмаси тузилмасини тубдан ўзгартириб, темир йўл транспорти яратилишига туртки берган бўлса, унга ҳарбий-стратегик нуқтаи назардан қараш, шу билан бирга худудлараро, мамлакатлараро маданий алоқаларни тараққий эттириш, иқтисодий-

ижтимоий масалалар, халқаро туризм соҳасида иштирок этишга интилиш вокзаллар бунёд бўлишига замин яратди, десак муболага эмас. Зеро, темир йўл вокзаллари мамлакат дарвозаси ҳисобланади. Четдан келган одам мамлакат ҳақидаги дастлабки таассуротни, албатта, вокзалдан олади. Демак, вокзаллар қурилишига азалдан алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Дунёда биринчи темир

Тизим Тадбирлари

ҲУҚУҚ ИЛМИ ТАРИХИ

Адлия вазирлигида Тошкент Ислам университети "Ислам ҳуқуқи" кафедраси мудирини, профессор Абдулҳаким Шаръий Жузжоний билан учрашув-мулоқот бўлиб ўтди.

Унда таниқли олим А.Жузжоний ҳуқуқшунослик фани тарихи, фикҳ илими ривожига бекиёс ҳисса қўшган аждодларимизнинг маънавий мероси ҳақида сўз юритди. Бу бебаҳо мероснинг дунёвий аҳамияти, ҳуқуқшунослик фанларининг бугунги тараққиётдаги ўзига хос ўрни хусусида фикр-мулоҳаза билдирди. Фикҳшунос олимларнинг соҳага оид айрим масалалар ечимига доир илмий қарашлари борасида бир неча мисоллар келтирди. Қизгин савол-жавоб тарзида ўтган мулоқот йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Камола САДИРОВА



МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий ҳавфсизлик хизматининг масъул ходимлари иштирокида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонунларга риоя қилиниши, бу борадаги прокурор назорати, шунингдек, диний экстремизм ва терроризмнинг турли қиришларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларнинг ижро этилиши аҳоли муҳофазаси бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар кўриб чиқишида муайян ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш билан бирга, бу тоифадаги мунозараларни ҳал этишда, жиноятларни ҳисобдан яшириш, бошқа жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилиши сабабли ва шарт-шароитларга алоҳида тўхталиб, уларнинг олдини олишга қаратилган кескин чоралар кўрилиши, бу йўналишда прокурорлик ва идоравий назоратни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибидан ўрин олган диний экстремизм ва терроризмнинг турли қиришларини олдини олиш ва унга қарши курашиш билан боғлиқ қонунларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ижро этилиши аҳолига оид масала муҳофазаси бўлиб ўтди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самардорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот маркази

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА СУРИШТИРУВ ҲАРАКАТЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Адвокат Б.Суннатовнинг жиноят ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан судланган А.Найимов асосиз жиноий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририятига йўллаган аризаси Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ


Ҳукмга кўра, А.Найимов Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а,в" бандлари, 189-моддаси, 3-қисми, 184-моддаси, 3-қисми, 209-моддаси, 2-қисми, "а,б" бандлари билан айбдор деб топилди. Жиноят кодексининг 59,61-моддаларига асосан 3 йилга муайян ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг апелляция инстанцияси ахирими билан биринчи инстанция суди ҳукми ўзгаришсиз қолдирилиб, унга

нисбатан амнистия акти татбиқ этилиб, тайинланган жазо 1/3 қисмига қисқартрилган.

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан суд қарорлари қонунийлиги ўрганиб чиқилиб, уни бекор қилиш хусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Судидаги протест келтириш масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига тақдимнома киритилди.

Ш.АЛАЕВ, Тошкент шаҳар прокуратурининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси



ТЕГИШЛИ ЧОРА КЎРИЛМАГАН

Фуқаро М.Тўраевнинг суд қароридан норози бўлиб, "Инсон ва қонун" таҳририятига йўллаган шикоятни Жиззах вилояти прокуратураси томонидан кўриб чиқилди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2007 йил 15 декабрдаги сирдан ҳал қилув қарори билан даввогар М.Тўраевнинг жавобгар ЛРС-Пласт "Ўзбекистон-Германия" қўшма корхонасига нисбатан иш ҳақи ундириш тўғрисидаги даввоси қаноатлантирилган ва 149000 сўм ундириш белгиланган.

Биринчи инстанция суди ишни кўришда Фуқаролик процессуал кодексининг 15-моддаси талабларини бажармай, ишнинг ҳақиқий

ҳолати, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга асосланган ҳолда тегишли чораларни кўрмаганлиги сабабли Жиззах шаҳар прокурори томонидан ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва ишни янгидан қўришга юбориш тўғрисида протест келтирилган.

Саидмурод ШЕРНАЗАРОВ, Вилоят прокуратурининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Олот тумани Қоровул қишлоғида яшовчи Қ.Қиличовнинг газетасига йўллаган аризаси Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан атрофича ўрганиб чиқилди.

Текшириш чоғида фуқаро Н.Хусенов ҳозирги вақтда Россия Федерациясига ишлаш мақсадида кетганлиги, шунга қарамадан унинг отаси М.Хусенов собиқ келини М.Қиличовга алимент тўловларини ўз вақтида тўлаб келаётганлиги аниқланди.

Олот туман ИИБ ХЧК ва ФР хизмати бошлиғи, майор С.Уринов Олот шаҳар, Буюк ипак йўли кўчаси,

78-уйга фуқаро Н.Хусеновни доимий яшаш учун рўйхатга киритишда хатога йўл қўйганлиги учун интизомий жазоланганлиги, фуқаро Қ.Қиличовнинг 2007 йил 17 апрел куни Олот туман ИИБга собиқ кўеви Н.Хусеновга нисбатан чора қўришни сўраб ёзган аризаси бўйича Олот туман ИИБ тергов гуруҳи томонидан суриштирув ҳаракатлари ўтказилиб, 2007 йил 15 май куни жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги, тўпланган ҳужжатлар МЖТКнинг 200-моддасига асосан жиноят ишлари бўйича туман судига юборилганлигини, ҳамда фуқаро Қ.Қиличовга собиқ кўеви Н.Хусенов томонидан олиб кетилган уй-рўзгор буюмлари ва қурилиш материалларини ундириш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиши лозимлиги тўғрисида тушунтирилди.

Ф.МАМАЮСУПОВ, Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи

Касаначилик

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бунинг самараси ўларок, кўпгина аёлларимиз тадбиркорлик фаолиятига қўл уришганки, бундан нафақат уларнинг ўзи, балки юртдошларимиз ҳам яхшигина манфаатдор бўлишяпти.

ИЗЛАНИШ ВА САГАРА

Учкўприк туманидаги "Нилуфар" ишлаб чиқариш тикувчилик фирмаси фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда

Фарғонанинг Учкўприк туманида ҳам тадбиркор аёллар кўпчиликини ташкил қилади. Туман ҳокимидан бу хусусда сўраганимизда, у киши дарҳол "Нилуфар" ишлаб чиқариш тикувчилик фирмаси раҳбари Насиба Турсунхўжаева номини тилга олиб:



— Насибaxon ишнинг кўзини биладиган аёл. Шу боис у тадбиркорлик ботида вилотимиздаги бошқа аёлларга ҳам ўрнак бўляпти, — деди Зокиржон ака мамнун қиёфада.

Ва бизни "Нилуфар" тикувчилик корхонаси фаолияти билан танишишга ундади.

"Нилуфар" ишлаб чиқариш тикувчилик фирмаси Кўкон — Андижон йўлининг шундоққина ёқасида жойлашган экан. Насиба опа бундан 5 йил аввал "Нилуфар" минимаркетини ташкил қилиб, иш бошлаган. Ҳозир "Нилуфар"да ётоқхона жамланмаси, кўрпа-тўшак жилдлари, иш кийимлари, мактаб ўқувчиларининг формалари, болалар ва ҳарбий хизматчиларнинг кийимлари, келинлар либослари, ҳар хил пардалар, хуллас, 30 турдан ортиқ махсулот ишлаб чиқариляпти. Буни қарангки, фирма фаолиятининг дастлабки йилиёқ кўнгилни тўлдирадиган натижаларга эриша бошлади. Яъни 2007 йилда "Қишлоқ-хўжалиқимё" АЖнинг туман филиали ва қўшни Ўзбекистон туманидаги "Меҳрибонлик уйи"га 45 миллион сўмлик махсус кийим-кечак етказиб берилди. Пировардида тадбиркор олган кредитнинг салкам ярми — 20 миллион сўмини қайтарди.

— Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг

2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида бизнинг эмин-эркин фаолият юритишимиз учун янада қўлай шарт-шароит яратиш, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш лозимлигини, бу аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг муҳим омилли эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу нарса мени жуда қувонтирди, — дея ўз миннатдорчилигини билдиради Насиба опа.

Чиндан ҳам бугун аксарият юртдошларимиз айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, рўзгор тебратилляпти. Бунинг исботини "Нилуфар" мисолида ҳам кўриш мумкин. Негаки, кичик бир цехда 33 нафар чевар киз иш билан таъминланган. Насиба опа келгусида дон ва макарон махсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, яна янги иш ўринлари яратишни режалаштирган.

Бу йилги Наврўз байрами Насиба Турсунхўжаева учун қўшалок байрамга айланиб кетди. Чунки байрам арафасида шундоққина фирма бикинида қад ростлаган озиқ ва ноозиқ оватқат махсулотлари билан савдо қилувчи янги мини маркет ишга туширилди. Энг асосийси, у "Ташаббус — 2008" кўрик танловининг вилот босқичида "Энг яхши касаначи тадбиркор" номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.

Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Эслаб қолинг

БОЖ ТЎЛОВЛАРИ ЎЗГАРДИ...

Шу йил 1 апрелдан юртимизда ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситаларини олди-сотди, алмаштириш, ҳаёда этишда амалга ошириладиган бож тўловлари ўзгартирилди

Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2008 йил 29 февралда "Давлат божи ставкаларига қўшимча-лар киритиш тўғрисида" қарор қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ ҳукуматнинг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган давлат божи ставкаларининг 4-бандига янги "К-1" ва "Л-1" кичик бандлари киритилди. Шу муносабат билан 2008 йил 20 мартда Адлия вазириги, Ички ишлар вазириги, Давлат солиқ қўмитаси ва "Ўзавтосаноат" акциядорлик компаниясининг қўшма кўрсатмаси қабул қилинди.

Мазкур кўрсатмада Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ мулкчилик шаклидан қатъи назар, қорхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, фуқаролар ўртасида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, фойдаланиш мuddати расмий дилерлардан харид қилинганига бир йилдан ошмаган энгил автомобилотранспорт воситаларининг олди-сотди, алмаштириш, ҳаёда этиш шартномалари ҳамда улардан фойдаланиш шартномаси тасдиқланганда божнинг энг кўп суммаси миқдориди тўлов факат битта машина учун ундирилиши лозимлигини ҳам, албатта, билиб қўйган маълум.

Фарқламақ зарурки, бу тартиб ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ҳамда уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, наби-

тимизда ишлаб чиқарилган автомобилотранспорт воситалари расмий дилердан харид қилинганидан сўнг бир йил тўлмай туриб олди-сотди, алмаштириш, ҳаёда этиш йўли билан ўзганинг тасарруфига ўтказилса, ушбу битимни тасдиқлаш чоғида машинанинг ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдориди давлат божи ундирилади. Автоуловларни алмаштириш шартномаси тасдиқланганда божнинг энг кўп суммаси миқдориди тўлов факат битта машина учун ундирилиши лозимлигини ҳам, албатта, билиб қўйган маълум.

Фарқламақ зарурки, бу тартиб ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари, болалар ҳамда уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, наби-



рлар, хиянларга нисбатан татбиқ этилмайди. Улар мазкур ишончнома-ларни тасдиқлаганик учун давлат божи ставкаларининг 4-банди "Л" кичик банди талабига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баравари миқдориди ҳақ тўлайдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 июндаги "Нотариал ишларни ба-жарганлик учун давлат божи ставкалари тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори иловасига мувофиқ, фойдаланиш мuddати 3 йилгача бўлган юк ва энгил авто-

тасарруф этиб келинаётган транспорт воситалари учун 10 фози миқдориди бож тўланиши белгиланди. Мототранспорт, мотоколяска ва мотоцикллар учун ҳам алоҳида бож ставкалари белгиланган ва ҳар бир от кучи учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2-5 фозиини ташкил этади.

Яқин қариндошлар ўртасидаги олди-сотди, алмаштириш ва ҳаёда этиш шартномаларини тасдиқлаш учун имтиёзлик бож миқдорлари белгиланган ва ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақининг 5 фозиидан иборат.

Автомобилотранспорт воситалари олиш-сотиб ва ўзгари тасарруфига ўтказиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат божи ставкаларига қўшимча-лар киритиш тўғрисида"ги қарори бу ишни амалга оширувчи ваколатли давлат органлари, ишлаб чиқарувчи ҳамада сотувчи қорхоналар зиммасига алоҳида мажбурият ва масъулият юклайди. Бу борадаги асосий вазифа қонунчилигимиз талабига адо этиш ва миқдорлар талабини қондиришдан иборат.

Ёркиной ВАФОЕВА,
ҳуқуқшунос

Тақдимномага киритилгач...

ХОДИМ НОЖЎЯ ҲАРАКАТ ҚИЛСА...

Сўнгги йиллар амалиёти шунки кўрсатадики, иш берувчининг амалдаги қонунчилики билмаслиги ёки нотўғри талқин қилиши оқибатида меҳнат интизомини бузган ходимларга нисбатан қонунда назарда тутилмаган интизомий жазо чоралари қўллаш ҳолатлари мавжуд. Ходим бир марта ножўя хатти-ҳаракат қилгани учун унга нисбатан Меҳнат кодексининг 181-моддасида кўзда тутилган интизомий чоралардан факат биттаси қўлланилиши мумкин. Жумладан, ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фозиидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима ҳамада меҳнат шартномасини бекор қилиш. Бошқа интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади.

Демак, "кўрсатиб ўтиш", "огоҳлантириш", "қатъиян огоҳлантириш", "қаттиқ ҳайфсан", "камроқ маош тўланадиган бошқа ишга ўтказиш" каби жазо чораларини қўллаш гайриқонуний ҳисобланади, чунки улар амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаган. Масалан, Андижон вилоти адлия бошқармаси ходимлари томонидан Жалақудуқ туман халқ таълими бўлими фаолияти ўрганилганда бўлим мудири У.Убайдуллаев интизомий жазо сифатида 2007 йил 15 февраль кунги 26-сонли

"кўрсатиб ўтиш", "огоҳлантириш", "қатъиян огоҳлантириш", "қаттиқ ҳайфсан", "камроқ маош тўланадиган бошқа ишга ўтказиш" гайриқонуний ҳисобланади

буйруқ билан 12 нафар ходимни ўз лавозимидан озод қилиб, бошқа лавозимларга ўтказиб юборганлиги аниқланган. Меҳнат қонунчилигида жарима ҳажми ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фозиидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланган. Айни пайтда, ички меҳнат тартиб-қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фозиидан ошмай-диган миқдорда жарима солиниши холлари назарда тутилиши мумкин. Иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган жариманинг умумий миқдори ходимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фозиидан ортиб кетмаслиги лозим.

Лекин амалиётда жуда кўп холатларда интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруқлар расмийлаштирилиши ва ҳисоб-китоб қилинишида жарима ўртача ойлик иш ҳақига эмас, балки ойлик иш ҳақининг ўзига қаратилиб, ходимдан ортиқча маблаг ундирилишига сабаб бўлмоқда. Жалақудуқ туман халқ таълими бўлими мудири томонидан 2007 йил 24 ноябрдаги 163-сонли, 2007 йил 29 сентябрдаги 145-сонли, 2007 йил 7 апрелдаги 76-сонли буйруқлари билан 9 нафар

мансабдор шахснинг ойлик иш ҳақига қаратилган ва ҳисоб-китоб қилинган. Бу ва бошқа амалдаги қонунчилигимизга зид бўлган буйруқларни бекор қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаш юзасидан туман халқ таълими бўлимига Андижон вилоти адлия бошқармаси томонидан 2008 йил 25 январь куни тақдимнома киритилди. Тақдимнома натижасида бўлим мудирининг 2008 йил 7 февраль кунги 11-сонли буйруғи билан қабул қилинган 6 та ноқонуний буйруқ бекор қилиниб, ходимлардан ортиқча ундирилган маблаглар қайта ҳисоб-китоб қилинди. Ҳато ва камчиликларга йўл қўйган халқ таълими бўлими мудири ўринбосари Т.Мамадалиев, ТХТБ бош назоратчиси И.Қорабоев ва ТХТБ муҳандиси Ш.Илёсвоғларга халқ таълими бўлими мудирининг 2008 йил 11 февралдаги 17-сонли буйруғи билан "Ҳайфсан" интизомий жазоси берилганлиги маълум қилинди.

Алишер АБДУРАҲМОНОВ,
Андижон вилоти адлия бошқармаси масъул ходими



Хаёт тажрибаси шунки кўрсатмоқдаки, билиб-билмай содир этган жинояти учун айбдорни жамиятдан, айниқса, оиласи, бола-чақаси, қариндош-уруғи, яқинлари ва маҳалласидан ажратиб, озодликдан маҳрум қилиб, жазони ижро этиш муассасаларига юбориш ҳақида ҳам самара беравермайди. Айниқса, иқтисодий жиноятларга жазо тайинлашда судлар айбдорнинг шахсига, унинг ўз жамоаси ва маҳалла-қўйда тутган ўрнига, содир этган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига, етказилган зарарни ўзи, оила аъзолари ёки қариндош-уруғлари томонидан қоплай олиш қобилиятига алоҳида эътибор қаратаётганлиги, шахсни ҳам ахлоқий, ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялаш ва етказилган зарарни тўла қоплашда катта самара бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиестемол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёхуд ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш жиноятига бир ҳаётий мисол келтирайлик. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи Фозилжон Расулов 2005 йил апрель ойида таниши Равшан Алимбоевнинг ишончига кириб, уни алдаб, "Ёнилги қуйиш шохобчасини сотиб олиб, биргаликда ишлаши, қўшган пулини уч ойда қайтариб олиши, қолгани эса даромад эканлигини" ваъда қилиб, унинг "Нек-

алдаб, "Онангиз гишт заводи сотиб олмоқчи, сиз шу заводга керак бўладиган ерни ва техникаларни сотиб олишда ёрдамлашсангиз, қўриладиган фойдадан улш олаверасиз", деган алдов билан жами 8.100 АҚШ долларини ўзлаштириб юборди ва

ЖАЗОДАН МАҚСАД жиноят содир этган шахсни қайта тарбиялаш, у етказган иқтисодий зарарни тўла қоплаш, бошқаларни эса жиноят содир этишдан қайтаришдир

бу пулларнинг бир қисмига сотиб олинган "Зил" автомобиласини ўз номига расмийлаштириб, Адиба Алимхўжаевага жуда кўп миқдорда зарар етказди. Бундан ташқари, Ф.Расулов Адиба Алимхўжаеванинг онаси Зарифа Турсункулованинг ишончига кириб, ўзининг молиявий аҳолини рўқач қилиб, "Чиноз туманида ишламай турган гишт заводи 1 миллион сўмга сотилаётганлигини айтиб, шу заводни сотиб олсангиз,

заводнинг олди-сотди шартномаси нотариус томонидан тасдиқланганда, олувчи З.Турсункулова фамилияси қаторига ўз фамилиясини ҳам тирикча, мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқига шерикликини қўлга киритади. Ф.Расулов 300 миң донга арзон гишт сотиб олишни илтимос қилиб келган фуқаро Жамолдин Ниёзовнинг ишончига кириб, уни алдаб, "Агар олдиндан пулини тўласангиз, бозорда ҳар бир донаси



Жўраев янги "Карбит-техпром" қарбит ишлаб чиқарувчи хусусий қорхона очганлигини айтиб, ундан моддий ёрдам сўрайди. Ф.Расулов ўзида бунча пул йўқлиги учун уни фуқаро Маҳбуба Алимова билан таништириди ва улар Маҳбуба Алимованинг ишончони қозониб, ундан моддий ёрдам олиш учун "Карбит заводи тўла ишга

қаҳида тилхат бериб, Маҳбуба Алимовадан жами 9.800 АҚШ доллари миқдориди пул олиб, бу пулларни турли баҳоналар билан ўз вақтида қайтариб бермай, унга жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказадилар.

Суд жабранувчилар ва жавобгарларнинг суд жараёнида берган кўрсатмаларини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, судланувчилар содир этган жиноятларнинг ижтимоий ҳавфлилик даражасини инобатга олиш билан бир қаторда, уларнинг ўз айбларига иқроорлик билдириб, қилмишларидан қаттиқ пшаймонликлари, жабранувчиларга етказилган зарарлар тўлалигича қопланганлигини ҳамда жабранувчилар улгарга енгиллик беришни сўраганликларини, судланувчилар илгари судланмаганликларини, яшаш жойидан ижобий тавсифномалар берилганлигини енгиллаштирувчи холатлар деб ҳисоблаб, жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳамда Жиноят кодексининг 168-моддаси, 4-қисмига мувофиқ, "Етказилган моддий зарарнинг ўрни

қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги" принципларига қатъий амал қилган ҳолда, уларнинг ҳар бирига нисбатан Жиноят кодексининг 168-моддаси тегишли қисмлари санкцияси доирасида озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ахлоқ тузатиш ва жарима жазолари тайинлашни лозим топди.

Дарҳақиқат, суднинг бу қарори жазо тайинлашдаги қонунийлик ва мамлакатимиз Президентини томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати ҳамда жиний жазоларнинг либераллаштирилиши ва одиллик тамойилларига тўла мос келмади. Ўз навбатида бундай жазо билиб-билмай жиноят содир этган шахсни бундай енгиллик ва имтиёзларни суиестемол қилмасликка, қайта ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этмасликка даъват этади. **Баҳодир ЙЎЛДШОВ,** жиноят ишлари бўйича Қўрай туман суди раиси, **Саҳобиддин СИРОҲИДДИНОВ,** ҳуқуқшунос.

Янги нашрлар

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослашган "Адолат" нашриётида асосан меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламлари, кодекслар ва бошқа турли йўналишдаги ҳуқуқий адабиётлар чоп этилади.

Жамоа ўз нашрий маҳсулотлари қўламини истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжларига асосланиб, муттасил кенгайтириб бориш билан бир қаторда ўз китоблари тарқатиши изчиллигини таъминлаш ва республикамизнинг энг олис минтақаларидаги юрtdошларимиз қўлига ҳам етказишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда ҳудудий адлия бошқармалари, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда шу соҳа ишбилармон-тадбиркорлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган.

Кейинги йилларда мазкур жамоа фаолиятида жиддий илҳомий ўзгаришлар юз берди. Бу нарса жорий йил 1-чорагида нашр этилган ҳуқуқий адабиётлар салмоғи, сифати мисолида ҳам кўзга ташла-


нади. Айтилик, яқиндагина нашрдан чиққан "Фермер хўжалиқларида меҳнат муносабатлари ва муҳофазаси" номли ҳуқуқий қўлланма фермер хўжалиғи раҳбарлари, техник мутахассислар, хўжалик аъзолари учун муҳим ҳуқуқий қўлланма бўлиб хизмат қилади. Яна бир янги — "Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами"да тегишли қонунлар ҳамда уларнинг аҳамияти ҳақида муфассал маълумот берилган. Тўпلام 25000 нусхада, ўзбек ва рус тилларида нашр этилган.

Маълумот ўрнида шунини айтиш

жоизки, "Адолат" нашриёти тақдим этган М.Тиллабоевнинг "Национальные институты по правам человека: международная, зарубежная и национальная практика", Ф.Отахоновнинг "Юридическая служба в республике Узбекистан" китобларидан ҳам ҳуқуқшунослик соҳаси мутахассислари ва мухлислари етарлича ҳуқуқий маълумотлар олишлари мумкин.

Яқинда "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси", "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси", "Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси", "Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси" ва бошқа кодексларнинг расмий нашрлари ҳам кўпчилиكنинг бугунги талабини, эҳтиёжини теран ҳис этган ҳолда қўшимча ва ўзгартиришлар билан босмадан чиқарилди.

Орзикул ЭРГАШЕВ, нашриёт муҳаррири



Тоғ ҳавоси

Аттанг СОХТА ДИПЛОМЛИ "МУАЛЛИМ"

2003 йилнинг ёз ойлари эди. Шўрчи тумани "Тула" қишлоғида истиқомат қилувчи Марзия Турумова рўзгор юмушлари билан Термиз шаҳрига борди. Ишларини битиргач, шохбектада автобус қутиб турган эди, ёнига келган ўрта яшар нотаниш аёл унга сўз қотди:

— Синглим, қишлоқдан келганга ўхшайсиз. Мабо-до олий маълумотни тасдиқловчи диплом керак эмасми? Термиз Давлат университетиники.

— Чинданми, нарҳи қанча?

Хуллас, Марзия паспортини ўша нотаниш аёлга бериб юборди. Орадан ярим соатлар ўтар-ўтмас қайтиб келган боғи аёл ундан юз минг сўмини олди-да:

— Мана, сингилжон, диплом сизнинг номингизга ёзилди. Энди сиз Термиз Давлат университетини ўзбек тили ва адабиёти ихтисослигини 2003 йилда тугатган собиқ талаба бўдингиз.

Сохта омаддан суюнган М.Турумова тумандаги 28-сонли умумий ўрта таълим мактабига В№ 094415 серияли қалбаки дипломни тақдим этиб, ишга жойлашди. 2003 йилнинг 15 декабрь кунидан 2007 йилнинг декабрь ойигача мазкур мактабда ўзбек тили ва адабиётдан ўқувчиларга "сабоқ" берган бўлди.

Лекин сохта диплом билан "муаллимлик" қилаётгани ошкор бўлди. Унинг бу жиноий иши жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани суди томонидан кўриб чиқилди. Сохта муаллим суд ҳукми билан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки баробари, яъни икки юз йигирма уч минг беш юз олтинчи сўм миқдорида жарима жазосига тортилди.

М.Турумова тегишли жазосини олди. Аммо у "таълим" берган ўқувчиларнинг ўзбек тили ва адабиётдан олган билимлари қай даражада бўлганлиги кишини ўйлантиради.

Аббос ХОЛМУМИНОВ, жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани судининг раиси



Гўзал ЭРГАШЕВА, Миробод туманидаги 110-мактабнинг 7-синф ўқувчиси

Зийрак нигоҳ

Бир кунги Ўзбекистон телеканали орқали берилган реклама ролигида машҳур бир санъаткорнинг харид қилган маҳсулотни учун касса аппарати чекини олмасани боис сотувчининг куюниб гапиргани ва унга чекини тутқазганини кўрдим. Яна нуроний чолнинг харидорга қарата: "Болам, а, бу харид қилган маҳсулотинг учун чеки олмасанг, мен нафақамни, болаларим стипендиясини, хизматчилар ойлик маошини ўз вақтида ололмайдими-ку", деган гаплари ёдимда муҳрланиб қолди. Мен ҳам бундан кейин харид қилган маҳсулотим учун дўкондордан, албатта, чекини талаб қиламан, деб ўйладим.

ЧАНГ БОСТАН КАССА АППАРАТИ



Тўғри, аксарият сотувчилар сўрамасингизданок касса чекини қўлингизга тутқазди. Аммо, хар доим ҳам эмас-да. Яқинда ўзим истиқомат қиладиган Чилонзор тумани, 10-мавзеддаги қатор дўконларнинг бирига кириб икки дона дафтар харид қилдим. Дафтар ҳақини узатдим, у мендан пулни олиб индамай бошқа харидор билан гаплаша кетди. Озроқ кутдим. У ёқ-бу ёққа қарасам, касса машинаси ҳам кўринмайди.

Хамма ўзи харид қилган нарсаси учун чекини талаб қилса, давлат хазинаси бут бўлади, нақд пул масаласида ҳеч қандай муаммо қолмайди", деди. Эртаси кунги ўз ишимдан суюниб, бу воқеани ўртоқларимга айтиб бердим. Аммо, кўпчилиги бунга тўғри тушунмади, аксинча мийғида кулиб қўйишди.

ЭЪЛОН! Навоий вилояти адлия бошқармаси Қизилтепа тумани давлат нотариал идоралари нотариуси лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

- 1. Комиссия номига ариза; 2. Паспорт нусхаси; 3. Беағлавланган шаклда тўдирилган шахсий варақа; 4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси; 5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси; 6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвифнома. Талабдор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Навоий вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8436) 223-01-38

Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан Зарафшон шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси Мирзев Исомиддин Дуллаевнинг 2004 йил 1 июни кунини берилган В№000053 рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси амал қилиши тугатилди.

Самарқанд шаҳар, "Боғишамол" адвокатлик ҳайъати томонидан адвокат Салоҳиддин Шарофиддинга 2008 йил 16 апрелда берилган 45-сонли хизмат гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Бухоро вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатура бўйича Малака комиссиясининг 2008 йил 2 апрелдаги «Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни тугатиш тўғрисида» қарорига асосан Бухоро шаҳар «Адвокат» адвокатлик фирмасининг адвокати Бахшўлло Насруллаевич Абдуллаевга 2007 йил 26 июлда берилган ВН 000274 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бекор қилинди.

ЭЪЛОН! Иқтидорли ва истеъдодли битирувчиларни аниқлаш, уларнинг келгуси таъқидот, ишлаб чиқариш ва илмий фаолият учун илҳомий қўлайлаштириш ривожлантириш, истеъдодли ва билимли ёшларни қўлай-қувватлаш, ёш мутахассис кадрлар заҳарасини шакллантириш ҳамда кадрлар тайёриши сифатини янада ошириш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Энг яхши битирувчи иш ва магистрик диссертацияси" республика таълимини эълон қилади.

ТУРОН BANK

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ва «Ҳуқуқ ва бурч» ижтимоий-ҳуқуқий журнали тахририятлари жамоалари кекса журналист Зайниддин Дўстматовнинг вафоти муносабати билан унинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

БОЗОРНИНГ ДАРВОЗАСИ БОР...

буни айрим олиб-сотар ҳамда кўзбўямачи "тадбиркорлар" ёдларидан чиқармасинлар!

Маҳалла чойхонасидан даргазаб қайтган мўйсифид ўғлининг саломига ҳам алиқ олмай, тўни этагини силтаганича уйга кириб кетди. Зум ўтмай чолнинг кетидан кирган кампир ташқарига чиқиб, боласига отаси йўқлаётганини айтди.

Бозорнинг ўз қонун-қонидаси бор, — деб зарда билан гап бошлади қария. Ахир, бир килограмм унни шунча сўмга ҳам сотасанми, ноинсоф. Бу ишининг охири вай бўлади, ўғлим. Ахир, томорқанг, тегирмонинг бўлмаса, сотаётган уларнинг ўйирлики, тўғирлики худо билади. Бозор — улуг жой.



Бу даргоҳ ҳалолликни ёқтиради, ғирромлик кетмайди. Қолаверса, бозорнинг дарвозаси бор, шунинг унутма... Иўк, нафсига қул ўғил отанинг гапига парво ҳам қилмай, бозорда ноқонуний ун олиб сотишни қанда қилмади.

Иштихон туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 октябрдаги «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини амалда бажариш мақсадида Иштихон ва Митан бозорларида текшириш ўтказган.

Advertisement for UZBEKISTAN airways featuring a flight schedule from Tashkent to Dubai. It includes the airline logo, flight numbers (HY 333, A310, HY 334), and contact information for the airline.

Бугунги кунда давлат сёбсатининг устувор йўналишига айланган ёшлар тарбияси кенг жамоатчилик, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам долзарб вазифаси саналади.

ЭРТАНГИ КУН ВОРИСЛАРИ



Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган бир қатор ННТ фаолияти фарзандларимизнинг маънавий-маърифий билимларини оширишга, жисмоний чиниктиришга, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган.

Вилоятдаги Бўстонлик туман марказлашган "Олбек" номли каратэ-до спорт клуби, ҳуқуқматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармасининг вилоят, туман-шаҳар бўлимлари, Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Меҳр ва муруват" жамоат фонди вилоят бўлимлари, шунингдек, жамиятнинг демократик ривожланиши ва таракқиётга қаратилган ташаббусни ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган "НИННОЛ" маркази, "UMID NUJLARI" каби нодавлат нотижорат ташкилотлари ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, ҳар томонлама етуқ, соғлом, йўртбўшимиз таъбири билан айтганда, эртанги куннинг қучли ворислари бўлиб этиштишлари учун самарали фаолият юритмоқда.

Бу борда айниқса, "Қамолот" ЕИҲ томонидан "Ёшлар йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Қамолот" ЕИҲ вилоят кенгаши, адлия бошқармаси, прокуратура, ИИБ билан ҳамкорликда ёшларнинг олдига турган иқтисодий, ижтимоий муаммоларни ечиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган "Гибивандликка қаршимиз", "Огоҳлик — давр талаби" шиори остида турли тадбирлар ва "Сиз қонуни биласизми?" қўриқ-танлови ўтказиб келинмоқда.

«Ёшлар йили» Давлат дастури ва унинг жойлардаги ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган кенг камровли ишлар барқамол авлод ва буюқ келажак йўлидаги сёбсатимизнинг собитқадам эканлигидан яна бир далилдир. Нарғиза МАҲҚАМОВА, Тошкент вилояти адлия бошқармаси ходими

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафав Бўриғон Мустафавич, Ражабова Мажуда Абдулаевна, Махмудов Лазизжон Мирзаяевич, Раҳмонов Абдуқамол Шодиёвич, Маматов Шоди Суёнович, Матрасулов Давлатназар Раҳимбергенович, Саидов Шокир Камолевич, Ҳамроев Исом Ҳамзаяевич

Навбатчи: Аллимурод ТОЖИБЕВ Саҳифаловчи-дизайнер: Фарход ХУЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882 «ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳаҳмада, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-маъбада акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюқ Тўрон қўчаси 41-уй. Буортма Г-315. Тиражи — 12988. [т] — тижкорат мақола. Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00

МАНЗАЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилқўч қўчаси-5. Тел: 233-84-50, Факс: 233-65-99. 1 2 3 4 6 7 8